

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

УМУРЗОҚОВ БАҲРИДДИН САФАРОВИЧ

**АЛИЙ САФИЙНИНГ ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ
«РАШАҲОТ АЙНУ-Л-ҲАЁТ» АСАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТЕКСТОЛОГИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УУК: 821.22.1

ББК: 83.3(5)

У- 52

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Умурзоков Бахриддин Сафарович

Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг
қиёсий-текстологик тадқиқи..... 3

Умурзоков Бахриддин Сафарович

Научно-литературное наследие Али Сафи и сравнительно-текстологическое
исследование его произведения «Рашахот айн аль-хайат». 29

Umurzokov Bakhriddin Safarovich

Ali Safi's scientific-literary heritage and comparative-textual study of his work
«Rashahat ayn al-hayat» 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

УМУРЗОҚОВ БАҲРИДДИН САФАРОВИЧ

**АЛИЙ САФИЙНИНГ ИЛМИЙ-АДАБИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ
«РАШАҲОТ АЙНУ-Л-ҲАЁТ» АСАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТЕКСТОЛОГИК
ТАДҚИҚИ**

10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.3.PhD/Fil.353 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashgiv.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хасанов Саидбек Рустамович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори, профессор

Очилов Эргаш Закирович
филология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 2019 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П.Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., профессор.

Б.Тўхлиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк аждодларимиз бой меросини ўрганиш ва илмий муомалага киритиш, дунёнинг барча мамлакатлари матншунослиги ва манбашунослигида бениҳоя долзарб аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам барча кутубхоналар ва хусусий архивларда сақланиб келинаётган манбалар изчил равишда тадқиқ этилиб, нашрга тайёрланиб ва чоп этилиб, илмий муомалага киритиб келинмоқда. Зеро, аждодларимизнинг дунёқараши, маънавий-эстетик олами, айниқса, қўлёзма манбаларда ўзининг ёрқин, гўзал ифодасини топган бўлиб, бу манбалар соғлом эътиқодли комил инсонни тарбиялашдек муҳим ва ғоят масъулиятли ишда энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири эканлиги аллақачон эътироф этилган ҳақиқатдир.

Дунё матншунослиги ва манбашунослигида ҳар бир халққа мансуб улуғ аждодларнинг, айниқса, қўлёзма меросларини авайлаб-асраш, ўрганиш ва келажак авлодга етказиш миллий қадриятлар тизимининг ўзига хос халқасидир. Чунки бу қўлёзма мерос, аксарият ҳолларда бир ёки бир нечта нодир нусхадангина иборат экани, шунингдек, турли мамлакатлар қўлёзма манбалар хазиналарида сақланиб келинаётганлиги ҳам уларга бўлган эътиборни янада оширади.

Мамлакатимизда миллий-маънавий қадриятларимиз тикланиб, қадимий қўлёзма меросимиз дурдоналарини ҳар томонлама янада чуқурроқ ўрганишга давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият берилётган¹ ҳозирги кунда биз кўхна маданий меросимизни, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган миллий тарихимизни теранроқ англаб етмоқдамиз. Шарқ мумтоз адабиёти ўзига хос бадииятга, теран мазмун-моҳиятга, улуғ маърифатга, кучли таъсирга эга бўлган нафис адабиётдир. Бу адабиётнинг деярли барча дурдона асарлари, энг аввало, соғлом ишонч-эътиқод, покдомонлик, ҳусни хулқ, юксак инсоний фазилатларнинг олий самараси ўлароқ, улуғ истеъдодларнинг бир-бирларига ўзаро беғараз, ижобий мусобақалари ва таъсирлари натижасида пайдо бўлган. Шу сабабдан мумтоз адабиётимизга, унинг бебаҳо асарларига қизиқиш сўнгги юз йилликда янада ортиб, улар тадқиқ этилиб борилмоқда. Ана шундай жаҳон маданияти ва фани тараққиётига ўз ижоди билан улкан ҳисса қўшган аждодларимиздан бири Фахруддин Алий Сафий бин Ҳусайн Воиз Кошифийдир (ваф. 939/1532). Унинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Фахруддин Алий Сафий асарлари, хусусан, унинг «Рашахот айну-л-хаёт» («Хаёт булоғи томчилари»)² асарида юксак фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни соғлом эътиқод ва маърифат орқали кенг фикр-мулоҳаза ва тафаккурга, пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари ўз ифодасини топган. Шу нуқтаи назардан, шоир ва олимнинг илмий-адабий меросини тадқиқ этиш, тасаввуфий мавзуни қандай, қайси

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий қўлёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи, 2017 25 май, № 103 (6797). – Б.1.

²Бундан кейин «Рашахот» тарзида берилди.

манбалар асосида ёритгани, эътиқодининг асосини, ички дунёсининг мазмун-моҳиятини унинг бадиий ва диний асарлари асосида очиб бериш долзарбдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистонда Ислон цивилизацияси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация асосли даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижлик олимлардан А.А.Муъийнийон³, А.Г.Маъоний⁴, М.Холланд⁵, М.З.Қўтқу Бурсавий⁶, И.Гундуз⁷, У.Турар⁸, Н.Тўсун⁹ Алий Сафий яшаган давр, унинг фаолияти ва ижоди ҳақида маълумотлар беришган. Эронда Алий Сафийнинг «Рашаҳот», «Латойиф ат-тавойиф» каби йирик асарлари замонавий нашр кўринишида илмий-изоҳлар билан чоп қилинган¹⁰. Шунингдек, Алий Сафийнинг бадиий-эстетик қарашлари тадқиқ этилган¹¹.

Ўзбекистонда ҳозиргача Мавлоно Фахруддин Алий Сафий ҳаёти ва ижоди, унинг илмий адабий-мероси ҳақида биронта ҳам йирик махсус тадқиқот йўқ. Фақатгина Алий Сафийнинг «Рашаҳот айну-л-хаёт» (Ҳаёт булоғи томчилари) номли асарининг тошбосма-литографик нашрларидан манбашунос олимларимиз ва адабиётшуносларимиз ўз илмий тадқиқотларида истифода қилишган, холос¹².

³ رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان 2536/1977 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور على اصغر معينيان، جلد اول و جلد دوم تهران و عارفان

⁴ لطايف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، 1373/1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور احمد كلجين معانى، تهران

⁵ Rashahot – Beads of Dew from the Sorce of Life. Translated, edited and annotated by Holland Muhtor. – London: 2001. («Рашаҳот» нинг усмонли-туркча таржимаси асосида инглиз тилига қилинган таржима.– Б.У.)

⁶ Kotku Mehmed Zahid. Nefsin terbiyesi – Abdulhalik-ı Gujduvaninin nasihatları. – Istanbul-Fatih: 1994. 166 s.

⁷ Gunduz Irfan. Gumuşhanevi Ahmed Zıyauddin k.s. – Nakşbendiyye Prensıbları. – Istanbul: 1984. 336 s.

⁸ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиклол, 1999. 180 б.

⁹ Tosun Necdet. BANAEDDIN NAKSBEND. Hayati- Gorisleri - Tarikati. – Istanbul: İnsan yayınları. 463 s.

¹⁰ رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان 2536/1977 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور على اصغر معينيان، جلد اول و جلد دوم تهران و عارفان

¹¹ لطايف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفى بن حسين الواعظ الكاشفي، 1373/1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشى و تعليقات دكتور احمد كلجين معانى، تهران

بامقدمه و تصحيح و تحشيه و تراجم اعلام بسعى و اهتمام احمد كلجين معانى از انتشارات اقبال تهران، آذرماه 1336، ص 424

¹² Нейматов М. С. «Рашахоту айнил-хаёт» Фахруддина Али Сафи и его литературно-мистическое значение: 10.01.03. Автореф. дисс. канд. филолог. наук. – Худжанд: 2009. 144 с.

¹² Абдуллаев И. Накшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1993. № 9-10. – Б. 55-58.; Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. – Т.: 1985.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Тошкент: Маънавият,

Рус олимлари¹³ дан В.В. Бартольд, А.И. Болдырев, Н.И. Веселовский, В.А.Вяткин, В.А.Гордлевский, П.П.Иванов, Б.Казаков, А.А. Семенов, О.Р. Сухарева, А.А.Хисматулин, ўзбек олимлари¹⁴ дан Б.М. Бабаджанов, Б. Валихўжаев, Р.А.Тиллабаев, Ориф Усмон, А.А.Хусейнова, З.Қуттибоев, Э.Э.Каримов, К.Катгаев, Р.Шодиев, М.Ҳасаний, М.Раззоқова, турк олимларидан Ф.Купрулу¹⁵, Н.Тўсун¹⁶ кабиларнинг тадқиқотлари ва нашрларида жуда кўп ўринларда Алий Сафийнинг «Рашаҳот» асарига мурожаат қилинганини кузатиш мумкин. Мазкур тадқиқотларда Алий Сафийнинг эътиқодий, тасаввуфий қарашлари, «Рашаҳот»нинг айрим боблари матнидан маълумотлар, кичик бўлса-да, иқтибослар келтирилган.

Хорижда ўтган асрнинг 70-йилларида Алий Сафий илмий меросини нашр қилиш борасида бир мунча муваффақиятларга эришилгани, албатта, эътиборга арзигулик. Хусусан, эронлик олимлар А.А. Муъийнийон ва А.Г. Маъонийнинг бу борадаги хизматларини эътироф этиш лозим. Охирги ўн йилликда Россия, Олмония ва Америка шарқшуносларининг «Рашаҳот»даги яссавийя машойихи ҳақидаги маълумотлардан ўз тадқиқотларида истифода этишган¹⁷.

1994. 23 б.; Бўриев О., Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо//Буюк сиймолар, алломалар. – Т.,1996. 2-китоб. – Б.47-51.; Бўриев О.,Ҳасанов М. Яъқуб Чархий. //Мулоқот.1995.№ 7-8. – Б.42-44.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор: Уйдирма ва ҳақиқат //Мулоқот, № 3-4. – Т.:1991; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Тошкент, 1993.; Маънавият юлдузлари (илм. мақолалар тўплами). – Т.: Маънавият, 1993. 42 б.; Султон И. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. – Т.: 1984.

¹³ Бартольд В.В. История культуры мусульманства. – С.Петербург: 1918. – Б.98.; Бартольд В.В.Сочинения. Том VIII. Работы по источниковедению. – М.: Издательство «Наука» Главная редакция восточной литературы, 1973. – С.192.; Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем востоке в период феодализма. – Москва: 1982.; Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки. – С.Петербург: 1895.; Вяткин В.А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомости», за 1904 г.; Гордлевский В.А. Бахауддин Нақшбанд Бухарский. Избранные сочинения. – М.: 1962.; Иванов П.П. Хозяйство джубарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XV-XVI вв. – М.: Издательство АН СССР, 1954. 379 с.; Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара.(Бартольдские чтения)– М.: Наука, 1981.; Семенов А.А. Бухарский шейх Бахауддин (К его биографии). Восточный сборник в честь А.Н. Веселовского. – М.:1914. – С. 202-211.; Сухарева О.Р. Потомки Ходжа Ахрара (Бартольдские чтения). – М.: 1982.; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и отв. редактор А.А.Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – С.Петербург: 2001. – С.20-32.

¹⁴Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шейхов нақшбандийа в Мавераннахре (перв. пол. XVI в.): Автореф. дисс. ... канд.ист. наук. – Ташкент:1996.; Валихўжаев Б. Буюк маънавий муршид. – Тошкент: Фан, 2004.168 б.; Тиллабаев Р.А. Среднеазиатские агиографические сочинения XV-XVI вв. как исторический источник (жития шейхов нақшбандиев). Автореф. ... дисс. док.ист. наук. – Тошкент, 1994. 54 с.; Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. –Т.:Университет,1993.; Хусейнова А.А. Общечеловеческие ценности в мировоззрении Абдрахмана Джами: Автореф. ... дисс. канд. ист. наук. –Тошкент, 1994.64 с.; Кутибаев З.А.Ходжа Убайдуллах Ахрар и его место в социально-политической и духовной жизни Мавераннахра XV века:Автореф. дисс. док. ист. наук. – Тошкент, 1998. 57 с.; Кутибаев З. Дарёи раҳматиға ғарқ қилгай//Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б.253-263; Кутибаев З. Хожа Аҳрор сийрати// Мулоқот. 11-12, 1995. – Б.47-48.; Каримов Э. Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XV в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Тошкент, 1990. 159 с.; Катгаев К. Хожа Аҳрор ва Улугбек.//«Гулистон» журн., 1991.3-сон.; Катгаев К. Бу офоқ ичра тоқ (Хожа Аҳрор ҳақида) //«Зарафшон» журн., 1994.17 ноябр сони.; Шодиев Р. Суфизм в духовной жизни народов Средней Азии: Дисс. канд. ист. наук. – Самарканд, 1993. 240 с.; Ҳасаний М.,Раззоқова М. Хожагон тариқати ва Хожа Ҳасан Андокий. – Тошкент : Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази, 2003.

¹⁵Кўпрўлузода Ф. Миллий татабулар мажмуаси. – Истанбул:1931.; Köprülü Fuat. Türk dili ve edebiyati hakkında araştırmalar. – İstanbul, 1934.

¹⁶Tosun Necdet. VANAEDDİN NAKSBEND. Hayatı-Görüşleri-Tarikatı. – İstanbul: İnsan yayımları. – S.338.

¹⁷Суфизм в Центральной Азии. Зарубежные исследования. Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и ответственный редактор А.А. Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – Санкт-Петербург, 2011. 267 с.; Девин ДиУис, Муминов А.К. Исламизация и сакральные родословие в Центральной Азии. – Алматы-Блумингтон: Дайк-Пресс, 2013. Том 1. – С.368-369.;

Ўзбекистонда бу каби илмий ишларга юртимиз мустақилликка эришганидан сўнг дадил киришилди. 2003 йилда «Рашаҳот»нинг Феруз - Муҳаммад Раҳимхон II (1845–1910) хонлик қилган даврда Домла Худойберган Бекмуҳаммад ўғли томонидан 1879 йилда амалга оширилган таржимаси замонавий жорий алифбога табдили билан чоп этилди ва китоб 2004 йилда қайта нашр бўлди¹⁸.

Мазкур илмий-оммабоп нашрга асарнинг ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар асосий фондида мавжуд, XIX асрда кўчирилган № 632 инв. рақамли ягона нодир қўлғезма нусхаси асос қилиб олинган. Ушбу нашр «Рашаҳот» асари матни бўйича ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилган ягона йирик ишдир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Адабий манбашунослик, матншунослик, шарқ қўлғезмаларини ўрганиш масалалари»; «Шарқ халқлари адабиётларининг қадимий ёзма манбалари, уларда акс этган қадимий шарқ тафаккури ва маънавий мероси масалалари» мавзуидаги илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фахруддин Алий Сафийнинг илмий-адабий меросини аниқлаш, унинг «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» (Ҳаёт булоғи томчилари) асарининг қўлғезмалари ва тошбосма нусхаларини қиёсий тадқиқ этиш, шунингдек, мазкур асарнинг тасаввуфий манба сифатида мумтоз адабиётимиз тарихида тутган ўрнини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фахруддин Алий Сафийнинг ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси ҳақидаги мавжуд маълумотларни тадқиқ қилиш асосида унинг нисбатан тўлиқ таржимаи ҳолини тиклаш;

Алий Сафий асарлари қўлғезма нусхаларининг илмий тавсифини амалга ошириш ва уларнинг ўрганилиш даражасини аниқлаш;

«Рашаҳот» асарининг қўлғезма нусхаларини аниқлаш ва уларнинг монографик тавсифини амалга ошириб, ягона маълумотлар базасини шакллантириш;

Асар манбаларини ойдинлаштириш, уни тасаввуфий манбалар асосида қиёслаш;

Унда баён қилинган Хожагон тариқати асослари ва истилоҳларини тадқиқ қилиш;

«Рашаҳот» асарининг мумтоз адабиётимиз тарихидаги ўрнини белгилаб, унинг илмий ва амалий аҳамиятини исботлаш;

Исламизация и сакральные родословие в Центральной Азии. Том 2. Генеологические грамоты и сакральные семейства XIX-XXI веков: насаб-наме и группы ходжей, связанных с сакральным сказанием об Исхак Бабе. Редакционная коллегия тома: Абусаитова М.Х., Мырзаахмет М., Бабаджанов Б.М., ... и другие. – Алматы-Берн-Ташкент-Блумингтон: Дайк-Пресс, 2008. 364 с.

¹⁸Рашаҳот – Обихаёт томчилари. Тарих.-маърифий асар. Тарж. Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. – Тошкент, 2003. 530 б.;

Фахруддин Али Сафий. *رشحات عين الحيات* Рашаҳоту айнил-ҳаёт. Обихаёт томчилари. Тарихий-маърифий асар. Масьул муҳарр.: Б.Умрзоқов. – Тошкент, 2004. 534 б.

Асарнинг ишончли, мукамал илмий матнини автограф нусхаси асосида нашрга тайёрлашга киришиш.

Тадқиқотнинг объекти этиб Фахруддин Алий Сафийнинг ҳаёти, фаолияти, адабий мероси ва унинг «Рашаҳот» асари қўлёзма нусхалари белгиланган.

Тадқиқотнинг предмети. Фахруддин Алий Сафийнинг ижодий мероси, хусусан, унинг «Рашаҳот» асаридаги тасаввуфий, диний-этиқодий ва ахлоқий қарашлари талқини, шунингдек, Мовароуннаҳр ва Хуросонда жорий бўлган Хожагон тариқати қоидалари, истилоҳлари, нақшбандийя ва яссавийя машойихи, уларнинг сулукларига тегишли муҳим маълумотлар баёни ва мазмун-моҳияти, мумтоз адабиётимиз тарихида Фахруддин Алий Сафийнинг шу кунга қадар тадқиқ қилинмаган «Рашаҳот» асарининг автограф нусхаси ва қўлёзма нусхаларининг қиёсий тадқиқи ишнинг предметини ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таърифлаш, контекстуал ва комплекс таҳлил, қиёсий-тарихий усуллар қўлланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

«Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг манбашунослар назаридан четда қолиб келган юртимиз ва хориж кутубхоналарида мавжуд жами 135та нусхаси аниқланди: Тошкент қўлёзма фондлари – ЎЗР ФА ШИда 65та, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида (Х.Сулаймонов фонди нусхалари билан бирга) 40та, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасидаги эса 7та, Туркиянинг Истанбул шаҳри Сулаймония қўлёзмалар фондидаги 8та (бешта нодир қўлёзма, учта босма), Россия (РФ)нинг Санкт-Петербург шаҳридаги қўлёзма фондларидаги 15 та нодир қўлёзма нусхалари борлиги аниқланиб, улардан 11 таси тўлиқ тавсифланган ва илмий муомалага киритилган;

ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи фондида сақланаётган энг қадимий, ноёб қўлёзма «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг автограф нусхаси эканлиги исботланган;

«Рашаҳот» асарининг XIX асрда Хева хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз бўйруғи билан Домла Худойберган ўғли томонидан Хоразмда амалга оширилган ўзбекча таржимасининг ягона қўлёзмаси биринчи бор монографик тавсифланган;

Асар адабий манбашунослик ва матншунослик нуктаи назаридан ўрганилиб, унинг нақшбандийя сулукига оид мукамал ва ишончли манба эканлиги асосланган;

Фахруддин Алий Сафийнинг ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси чуқур, батафсил тадқиқ этилиб, ижодкорнинг таваллуди ва вафот этган санаси, у мансуб бўлган оила, фаолият юритган соҳалари ҳамда асарлари асосида унинг нисбатан тўлиқ таржимаи ҳоли тикланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижалари кенг илмий жамоатчиликни Алий Сафийнинг Хожагон тасаввуфи ва тариқати мавзусидаги «Рашаҳот» асари билан яқиндан танишишга, уларга Хожагон тариқати нақшбандийя сулуки таълимоти талқинига асосланган адабий манба моҳиятини кенгроқ ва чуқурроқ тушунишга йўл очди.

Ишда Тошкент қўлёзма фондларида ва Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Сулаймония қўлёзма асарлар кутубхонасида сақланиб келаётган «Рашаҳот» асари нусхаларининг қиёсий-текстологик тадқиқи ва монографик илмий тавсифи амалга оширилган ва «Рашаҳот» асарининг дастхат, яъни дастлабки таҳрир матни тадқиқ этилган.

«Рашаҳот» Хожагон тариқати таълимотининг тасаввуф йўналишидаги адабий-маърифий, тасаввуфий асар эканлиги ва унинг мазмун моҳияти филологик жиҳатдан талқин этилган. Адабий-тасаввуфий йўналишдаги «Рашаҳот» асарининг тадқиқи орқали чиқарилган хулосалар Алишер Навоий даври мумтоз адабиётимиз тарихининг кам ўрганилган жиҳатларини ёритишда муҳим илмий-назарий маълумотлар бериш, адабиётшунослик ва матншунослик фанлари бўйича яратиладиган дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини Алий Сафийнинг Хожагон тасаввуфи ва тариқати мавзусидаги «Рашаҳот» асарининг ЎзР ФА Давлат Адабиёт музейи, Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Сулаймония қўлёзмалар фонди, РФ Санкт-Петербург шаҳри Институт восточных рукописей (Шарқ қўлёзмалари институти) қўлёзмалар фонди, Национальная библиотека РФ им. Салтыкова-Щедрина (Салтыков-Щедрин номидаги Россия Федерацияси Миллий кутубхонаси) қўлёзмалар бўлимида сақланаётган «Рашаҳот» асари нодир қўлёзма нусхаларининг ишга жалб қилингани тасдиқлайди. Шунингдек, диссертация натижаларининг ишончлилигини тадқиқот йўналиши ва илмий изланиш моҳиятидан келиб чиққан ҳолда танланган тадқиқот методлари ҳам тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертациянинг илмий аҳамияти аниқ ижтимоий-гуманитар фан соҳалари тарихи, адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, диний-маърифий ва тасаввуфий мавзудаги асарларни яхлит ва атрофлича таҳлил этишда муҳим ўрин тутиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларидан Фахруддин Алий Сафийнинг эътиқод, мазҳаб масалалари бўйича мавқеини аниқлаш, «Рашаҳот» типидagi адабий, диний-тасаввуфий асарларнинг баён усуллари, уларни қиёслаш бўйича амалга ошириладиган тадқиқотларда умумлашмалар, назарий хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, ундан чиқарилган илмий хулосалар ва назарий умумлашмалардан олий таълим тизими учун «матншунослик ва адабий манбашунослик» фани бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар тузишда, шунингдек, олий ўқув юрти талабалари ҳамда мактаб ўқувчилари учун Фахруддин Алий Сафий шахсияти, асарлари, хусусан, унинг «Рашаҳот» асари бўйича Хожагон-нақшбандийя тасаввуфи бўйича ўқув-услубий қўлланма ва маърузалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фахруддин Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва унинг «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

«Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг қўлёзмалари, Фахруддин Алий Сафийнинг ҳаёти, фаолияти ва адабий мероси тадқиқи бўйича олинган натижалар А-1-117 рақамли «Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқ қўлёзмалари маркази асосий фондидаги филологияга оид қўлёзмаларни илмий тавсифлаш» илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июлдаги 89-03-2148-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижалари XV аср Ҳирот адабий мактаби намоянадалари – Лутфий, Жомий, Навоий, Кошифий сингари ўнлаб ижодкорларга оид қўлёзма асарлар нусхаларини тавсифлаш ва тазкира-манокіб йўналишидаги асарларнинг қўлёзма нусхалари матнини ўрганишга асос бўлган;

«Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг қиёсий-текстологик тадқиқи, асар бадиияти, ундаги образлар тизими бўйича олинган натижалардан Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида (2012–2016 йй.) бажарилган «Марказий Осиё халқлари қўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш, Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини илмий тавсиф ва нашр этиш» мавзусидаги лойиҳа ишларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 11 июлдаги 3/1255-1825-сон маълумотномаси). Натижада С.Хасановнинг «Генетико-типологическое исследование поэмы «Семь скитальцев» Алишера Навои» (2014), А.Қаюмовнинг «Алишер Навои Пятерица изумлений» (2015) тадқиқотлари ва Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонининг (2016) рус тилига таржималарини тайёрлашда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилган;

Хожагон тариқатига доир маълумотлар, Хожагон машойихлари ҳикматлари ҳамда асардаги манзумаларнинг ўзига хослиги ва уларнинг манбалари юзасидан олинган хулосалардан «Маданият ва маърифат» телеканалида эфирга узатилган «Бухоролик етти пир» махсус телекўрсатувларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» давлат унитар корхонасининг 2018 йил 5 мартдаги 01-16/128-сон маълумотномаси). Тайёрланган материаллар кўрсатув мазмунини бойитиб, телетомошабинларда Фахруддин Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси, унинг «Рашаҳот» асаридаги Хожагон-нақшбандийя тариқати тарихи бўйича тасаввурлар ҳосил бўлишига хизмат қилган;

«Рашаҳот» асаридаги мовароуннахрлик аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар, ҳикоятлар юзасидан олинган хулосалардан «Mahalla» радиоканалида эфирга узатилган «Маърифий суҳбатлар» туркум эшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Маданият ва маърифат» давлат унитар корхонасининг 2018 йил 5 мартдаги 01-16/128-сон маълумотномаси).

Илмий натижаларнинг қўлланилиши радиоэшитувчиларга шарқ адабиётида кенг тарқалган маънавий-ахлоқий ва тасаввуфий йўналишдаги

асарлар яратиш анъаналарининг мумтоз адабиётда ҳам кенг қўлланилганини аниқ баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 14 та илмий мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда ва 8 та тезис, улардан тўрттаси халқаро анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми, иловалардан ташқари, 217 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси тадқиқи ва унинг «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асари**» деб номланган биринчи бобда Алий Сафийнинг ҳаёти, фаолияти, илмий-адабий меросининг манбалари, «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асари ва унинг таркибий тузилиши ҳақида сўз боради.

Маълумки, XV асрнинг иккинчи ярми – XVI асрнинг боши Ҳиротда илмий-адабий мактаблар гуллаб-яшнаган эди. Ўша даврда, ҳақиқатан, Ҳиротда адабиёт ва санъатнинг барча соҳаларида улкан юксалишлар юз берди, маданий-маънавий соҳаларда ажойиб ютуқлар қўлга киритилди. Бу бевосита Амир Низомиддин Алишер Навоийнинг шахсияти, шахсий саъй-ҳаракатлари, олий ҳиммати, илм ва ижод, санъат аҳлига бўлган юксак эътибори самараси бўлганлиги кундай равшан.

Алишер Навоийнинг моддий ҳомийлиги, Абдурахмон Жомийнинг маънавий раҳнамолиги натижасида баракали ижод қилганлардан бири асли Сабзаворлик бўлган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 910/1504) ва унинг ўғли Фахруддин Алий Сафий (ваф. 939/1532)дир. Етук маноқибнавис, «**Хожагон тариқати нақшбандийя-аҳрорийя сулуки тазкирачиси**»¹⁹, дея таърифланган Мавлоно Фахруддин Алий Сафий, ҳақиқатан, ўз даврининг етук алломаларидан, мумтоз адабиёт вакилларида бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (ЎзМЭ)да Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг 200дан ошиқ асарлар муаллифи эканлиги, ЎзР ФА Шарқшунослик институти (ШИ)да унинг 45 номдаги асарларининг 197 та

¹⁹Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси. – Самарқанд, 2016. – Б.353.

кўлёзма ва 75 та тошбосма нусхалари сақланиши айtilган²⁰. Воиз Кошифий ўз даврининг етук қомусий олими бўлиб, катта шон-шуҳратга эга бўлишига қарамасдан, унинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида адабиётшунослигимизда батафсил маълумот берувчи биронта ҳам махсус йирик монография ёзилмаган.

Фахруддин Алий Сафий ҳақида эса ЎзМЭда ҳеч қандай маълумот йўқ. Мана шунинг учун ҳам фихрист-каталогларда, замонавий тадқиқотларда бу ота ва ўғил ижодкорни бир шахс, деб ҳисоблаш ҳолатлари кўп учрайди.

«Сафий» тахаллусини шоирга устози Мавлоно Абдурахмон Жомий берган. Алий Сафийнинг яшаб ижод этган жойи, вафот этган ва дафн қилинган ери Ҳирот бўлгани учун «ал-Ҳиравий» деб ҳам аталган²¹. Баъзи хориж тавсифларида, масалан, Туркия кўлёзма асарлар тўпламида Алий Сафий «ал-Байҳақий», «ал-Валий» нисбалари билан зикр қилинган²².

Унинг таваллуд санаси ҳақида эронлик тарихчи олимлар ва тазкиранавислар аниқ маълумот айтишмаган²³. Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гульчин Маъоний эса «Латойф ат-тавойиф» нашри аввалидаги ўз тадқиқоти муқаддимасида Алий Сафийнинг вафот санасини келтирган, аммо ижодкорнинг туғилган санасини эса келтирмаган. Олимнинг ёзишича, Алий Сафий ҳижр. 939 санада тақрибан 63 ёшида вафот этган²⁴.

«Рашаҳот» асарида муаллиф ўзининг таваллуд йили ҳақида бундай деб ёзган: «Хизмат-и волидим (яъни, Ҳусайн Воиз Кошифий – Б.У.) алайҳи-р-рахма айтур эрдиларким, «Сен жумъа кечаси жумоду-л-аввал ойининг йигирма бирланчисида саккиз юз олтмиш етти (867 сана)да мутаваллид бўлдинг...»

Ҳижрий 867 сана милодий ҳисоб билан 1462-1463 йилга тўғри келади. 867га 63ни қўшсак, 930. Ҳолбуки, Алий Сафий ҳижр. 939-940 да вафот этган. 867га 73ни қўшсак, 940. Зеро, Алий Сафий «867 санада таваллуд топган эканман», деб ёзган. Демак, у ҳолда Алий Сафий 63 ёшда эмас, балки 73 ёшида вафот этганлиги маълум бўлмоқда.

Алий Сафийнинг ҳақиқатан, Сабзаворда туғилганига «Рашаҳот»даги қуйидаги маълумот асос бўла олади: «Мен биринчи марта Самарқандга келиб, Ҳазрати Эшон (яъни, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор – Б.У.) билан учрашиш шарафига муяссар бўлганимда, ул зот мендан: «Эй, йигит! Қаерликсан?» деб сўрадилар. Мен: «Туғилган ерим Сабзавор, аммо Ҳирийда (Ҳирот шаҳрида) нашъу намо топибдурман», - деб жавоб бердим»²⁵.

Алишер Навоий «Мажолис ан-нафоис» номли асарида Алий Сафий ҳақида бундай ёзган: «Ул бағоят дарвешваш ва фоний, дардмандшева (таъкид бизники – Б.У.) йигитдур. Ҳиротдан Самарқандга Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатига мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул

²⁰ЎзМЭ, 5-том. – Тошкент, 2003. – Б.7.

²¹Мавлоно Фахруддин Алий Сафий. Латойиф ат-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Гулчин Маъоний. – Техрон, 1373 /1953. – Б.15.; Kara, Mehmed. Yeseviyenin temel kitabi. «Cevahiru-l-ebrar min emvaci-l-bihar». / AHMED-I YESEVI – Hayati, eserleri, tesirleri. – Istanbul: «Seha», 1996. – S. 256.

²²TÜRKİYE YAZMA ESERLARI TOPLU KATALOGU. – Ankara, 1994. – S. 30.

²³Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот. – Т., 2004. – Б.2.

²⁴Мавлоно Фахруддин Алий Сафий. Латойиф ат-тавойиф. – Техрон, 1373 /1953. – Б. 10.

²⁵Ўша асар. – Б.9.

шарафин топиб, иршод ва талқин саодатига сарафроз бўлуб, яна Хуросонга келди...»²⁶

Алий Сафий илк сабоқни замонасининг етук олимларидан бири бўлган ўз отаси Мавлоно Кошифийдан олган. У Ҳирот мадрасаларида илм таҳсил қилган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа Ҳирот олимлари, шоирлари билан кундалик мулоқотда бўлганини унинг «Латойиф ат-тавойиф» («Ажойиб лутф сўзлар») номли асаридан ҳам билиб олиш мумкин. Мазкур асарда Ҳиротнинг таниқли олимлари, шоирлари ўртасида бўлиб ўтган қизиқ ҳикоялар, латиф сўзлар, ҳикматлар, ҳозиржавобликлар ўз ифодасини топган.

Алий Сафий сана 889 /мил.1485 йили Мовароуннаҳрга келади. У Қаршида Хожа Аҳрор билан учрашиш бахтига муяссар бўлади ва тўрт ой давомида ул зотнинг хизматида бўлади. Сана 893 / мил.1488 йилда у яна Самарқандга келиб, энди саккиз ой Хожа Аҳрор хизматида бўлади. Алий Сафий Хожа Аҳрор ва ул зотнинг ўғилларидан кўп илтифотлар кўради.

Алий Сафий Хожа Аҳрордан эшитган сўзларни ёзиб боради. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор вафотидан кейин ёзиб олган нарсаларини жамлаб, бир китоб қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бироқ замоннинг турли воқеа-ҳодисалари, замона нотинчлиги боис бу орзусини тўлиқ амалга ошира олмайди. Ниҳоят, 1503 йили, яъни Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор вафотидан 16 йил ўтиб, мазкур китобини ёзиб тугатишга муваффақ бўлади ва китобига رشحات عين الحيات «Рашаҳот-у айни-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар») ёки «Рашаҳот-и айну-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғи томчилари») деб ном қўяди. «Ажойиб тасодифлардан бири шулки, - деб ёзган эди муаллиф, - китобнинг номи унинг ёзилиш тарихини (абжад ҳисоби бўйича – Б.У.) ифодалайдиган бўлиб чиқди»²⁷.

Эронлик тарихнавислар ва тадқиқотчиларнинг асарларида Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий божа бўлишган, деган қараш бор²⁸.

Тарихчи олим Б. Аҳмедов эса «Кошифий (яъни, Ҳусайн Воиз – Б.У.) Абдурахмон Жомийнинг қайин инисидир», деб ёзган²⁹. Ҳолбуки, «Рашаҳот» асарида эса Ҳусайн Воиз Кошифийнинг Жомийга ким бўлгани ҳақида аниқ маълумот баён қилинган. Алий Сафий ўз асарида Мавлоно Жомий таржима-и ҳолини муфассал баён қилар экан, бундай деган: «Ушбу сатрлар муаллифига (яъни, Алий Сафийга – Б.У.) тўққиз юз тўртинчи сана Шаъбон ойида Мавлоно Саъдуддин қуддиса сирруҳу ҳазратларининг катта ўғли Хожа-и Калон хизматига кириш ва ул зотга домод (куёв – Б.У.) бўлиш насиб бўлди. Ва

²⁶Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Мажолисун нафоис. Ж. 12. – Тошкент, 1966. – Б.132.

Аҳмад Гулчин Маъоний «Латойиф»нинг замонавий нашри муқаддимасида «Мажолис ан-нафоис»дан олинган маълумот куйидагича берилган:

در لطائف نامه ، ترجمه مجالس النفايس ص98 ترجمهء وى جنين نمده است:

مولانا صفى – بسر مولانا حسين واعظ است و بغايت جوانى درويش وش و دردمند و فانى صفت است و دو بار بجهت شرف خواجه عبيد الله از هرات بدار الفتح سمرقند رفت، كويندكه نجا بشرف قبول ممتاز و سعادت ارشاد و تلقين سر افراز كشته بخراسان آمد، و طبعش خوبست، اين مطلع ازوست: بال لب لعل و خط غاليه كون آمده بي عجب ارسته از خانه برون آمده بي

Қаранг: Мавлоно Фахруддин Алий Сафий. Латойиф ат-тавойиф. – Техрон, 1373 /1953. – Б.7.

²⁷Ўша асар. – Б.16.

²⁸Ўша асар. – Б.4.

²⁹Қаранг: Б.Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари, – Тошкент: «Ўқитувчи» нашриёти, 1991. – Б.159-160.; Навоий замондошлари хотирасида / Тўпловчи: Б.Аҳмедов. – Т.: 1985. – Б.202.

(Мавлоно Хожа-и Калон – Б.У.) мени бандаликка (яъни, муридликка – Б.У.) қабул қилдилар. Шунда падарим алайҳир-рахма (яъни, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий – Б.У.) дедиларки, «Шул воқеъаким бундан қирқ йил олдин (туш) кўриб эдим, мана шу соатда воқеъ бўлди, ўз таъбирин топди...»

Алий Сафий «Рашаҳот»да Мавлоно Жомий таржимаи ҳоли баёни охирида яна қуйидагиларни ёзган: «Махфий қолмасинким, Ҳазрати Мавлоно Саъдуддин қуддиса сиррухунинг валади бузрукворлари Ҳазрати Хожа-и Калоннинг икки қизлари бор эди. Бирига Мавлоно Жомий уйланган эдилар, иккинчи қизлари эса мен билан никоҳланди».

Демак, Абдурахмон Жомий асли сабзаворлик бўлган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий билан эмас, балки унинг ўғли Алий Сафий билан божа бўлган.

Эронлик олим Аҳмад Гульчин Маъонийнинг ёзишича, «Риёзу-л-уламо» муаллифига кўра, Мавлоно Кошифий Ҳирот ва Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларида шиъа ва рофизий фирқаларига мансуб деб танилган эди.³⁰ Аслида эса, Мавлоно Кошифий ва ул зотнинг ўғли Алий Сафий аҳли суннат ва-л-жамоа эътиқодида ва ҳанафий мазҳабида эдилар. Бунга уларнинг ёзган асарлари яққол мисол бўлади.

Отасининг вафотидан кейин Ҳиротнинг катта жомеъсидаги ваъз, хитобат иши Алий Сафийга қолди. «Ҳабийб ас-сийар» муаллифи Мавлоно Хондамир бу ҳақда қуйидагиларни ёзган: «929 ҳижрий сана (мил. 1522 йил) Мавлоно Камолуддин Ҳусайннинг фарзанд-и аржуманди Мавлоно Фаҳруддин Алий отаси ўрнига қоим-и мақом (ўринбосар – Б.У.) бўлди. Жумъа сабоҳи у Ҳирот жомеъсида – бу жомеъ барча файз оладиган муборак бир ердир – халққа насиҳат қилур, барчани Ҳаққа даъват этур эди. Ғоят хуш, балиғ, чиройлик нутқ қилур ва бу хитоб-иршоди билан кўнгилларга сурур бахш этур...»

«Тухфа-и Сомий» асарига ишланган миниатюра «Мавлоно Фаҳруддин Алий Сафийнинг ваъз мажлиси» деб номланган³¹. Бу сурат Фаҳруддин Алий Сафийнинг Ҳирот илмий муҳитида ўзига хос мавқе эгаси бўлганига далолат қилади.

Қуйидаги асарлар Алий Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: «Рашаҳот айну-л-ҳаёт», «Латойиф ат-тавойиф», «Анис ал-орифийн», «Ҳирз ал-амон мин фитан ал-замон», «Фараснома-и Сафий», «Одоб ал-асҳоб», «Лавоих ал-қамар», «Манзума-и Маҳмуд ва Айоз», «Асрор-и Қосимий».

Тожикистонлик олим М. Неъматов ўз тадқиқотида Алий Сафийнинг яна бир асари, яъни «Луғат-и Алий Сафий» рисоласи борлигини қайд этган³². Олим эронлик тадқиқотчилар берган маълумотга асосан шундай ёзган кўринади. Аммо биз XV-XVI аср ва ундан кейинги даврлар кўлёма манбаларида ва шунингдек, каталогларда ҳозирча бу хусусда аниқ бир маълумот тополмадик.

ЎзР ФА ШИнинг асосий ва Ҳ. Сулаймонов номидаги кўлёма фондларида Алий Сафий асарларининг («Луғат-и Алий Сафий», «Асрор-и

³⁰Қаранг: Мавлоно Фаҳруддин Алий Сафий. Латойиф ат-тавойиф. – Техрон, 1373 /1953. – Б.17.

³¹Ўша асар. – Б.40.

³²<http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet>.

Қосимий»асарлари ва «Уйуну-л-хақойиқ» таржимаси бундан мустасно) ўнлаб қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланади.

Улар ўзаро қиёсланганда, Алий Сафий асарларининг қўлёзма нусхалари қадимийлиги, матнининг тўлиқ эканлиги билан ўша асарнинг литографик нашрларидан фарқ қилиши, тошбосма нашрларнинг кўп жойларида чалкашликлар учраши аниқланди.

«Рашаҳот» асари Алий Сафийнинг ҳажман энг йирик асари ҳисобланади. Қолаверса, муаллиф бу асари устида узоқ йиллар (883-909 йй.) ишлаган. Мумтоз адабиётимиз асарлари орасида Хожাগон тариқати ҳақида муфассал маълумот берувчи «Рашаҳот»дан бошқа йирик ҳажмли адабий асар, яъни *Хожাগон маноқиб*³³ мавжуд эмас.

Алий Сафийнинг «Рашаҳот» асарини ёзишидан асосий мақсади, унинг ўз асари муқаддимасида таъкидлашича, бу асар гарчи ўз асрида «Пир-и офоқ» номи билан маълум ва машҳур бўлган зот Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолиятини муфассал ёритиш учун ёзилган бўлса-да, аммо Хожাগон-нақшбандийя силсиласи машойихининг «хасойис-у шамойиллари ва маноқиб-у (таъкид бизники - Б.У.) фазойиллари»ни, яъни хожাগоний суфий зотларнинг ўзларига хос бўлган жиҳатлари, муборак сиймолари, кўринишлари, мактовга шоён шахсиятлари, инсоний фазилатларини ҳам имкон доирасида маноқиб, яъни адабий асар шаклида батафсил баён қилишдан иборат бўлган.

Алий Сафий «Рашаҳот» асари аввали «Дебоча»да ўз асари мундарижасини «Дебоча» (Кириш), «Мақола» (яъни, Муқаддима), «Уч мақсад» (яъни, уч Катта боб) ва «Хотима»дан иборат эканлиги, ҳар «Мақсад» эса уч фаслга бўлинишини баён қилган.

Энг аввало, хожাগонийлар ҳаёти ва фаолияти ҳақида муҳим маълумотлар берувчи «Мақола» деб номланган каттагина ҳажмдан иборат бўлган қисм келтирилган. Бу қисм хожাগонийлар силсиласини бошлаб берган зот Хожа Юсуф Ҳамадоний зикри билан бошланган ва Мавлоно Шамсиддин Руважий ҳаёти ва фаолияти, ул зот қандай вафот топгани баёни билан якунланган.

Бу икки солиҳ зот зикри орасида Алий Сафий Мовароуннаҳр, Туркистон ва Хуросон диёрларида яшаган 99 хожাগон машойихининг ҳаёти, фаолияти, ҳикматли сўзлари, ўзаро мулоқот ва суҳбатлари, бу зотлар билан боғлиқ кўпгина воқеа-ҳодисаларни ҳам батафсил баён қилган.

Биринчи мақсад (боб) – Хожа Убайдуллоҳнинг ота-боболари зикри баёни. Шунингдек, Хожа Убайдуллоҳнинг туғилиши, ўспиринлик йиллари, ул зотнинг мактовлик ахлоқ ва атворлари, илк сафарлари ва замона шайхлари – солиҳ зотлар билан учрашув ва мулоқотлари, муҳим суҳбатларига доир қимматли маълумотлар баёнидан иборат.

Иккинчи мақсад (боб) Хожа Убайдуллоҳдан эшитилган *ҳақиқат*, *маърифат* хусусидаги ҳикматли гап-сўзлар баёнидан иборат.

Учинчи мақсад (боб) эса Хожа Убайдуллоҳнинг хориқу-л-одат ишлари, яъни каромот ҳамда тасарруфлари баёнидан иборат.

³³ Алий Сафий асар муқаддимасида *маноқиб* сўзини келтирган, тазкира сўзини эса ишлатмаган.

Хотима қисми Хожа Убайдуллоҳнинг вафоти тарихи зикри баёнида бўлиб, ул зот қачон ва қандай ҳолат-кайфиятда дунёдан охиратга интиқол этгани ҳақидадир.

Маълум бўлмоқдаки, «Рашаҳот» ҳажман йирик асар ва унда Мовароуннаҳр, Туркистон ва Хуросон диёрларида яшаб, фаолият юритган уч юздан ошиқ хожагон азизлари ҳақида ғоят муҳим маълумотлар ўз ифодасини топган.

Асарда бошқа маноқиб ва тазкиралар билан ўхшаш баъзи жихатлар бор бўлишига қарамасдан, яхшилаб эътибор қаратилса, уларни талқин қилиш усуллари, келтирилган ҳикоятлар, маълумотларнинг ранг-баранглиги ва улардан чиқарилган хулосаларда тубдан фарқ қилувчи, Алий Сафийнинг ижодкорлиги билан боғлиқ бўлган жуда ҳам кўп қирралар мавжуд.

Диссертациянинг «**Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асари қўлёзма нусхаларининг илмий тавсифи ва текстологик тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобида «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарининг ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган дастхат нусхаси, ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондидаги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Истанбул шаҳри Сулаймония кутубхоналаридаги, РФ Санкт-Петербург шаҳри қўлёзма фондларидаги нодир нусхалари ўрганилган.

ЎзР ФА Давлат адабиёт музейи (ДАМ) фондида сақланаётган 33 рақамли қўлёзма нусха саводли котиб томонидан чиройли насх хати билан китобат қилинган бўлиб, «Рашаҳот» асарининг муаллиф матнини тўла қамраб олган. Айрим сўзларни эътиборга олмаса, матнларнинг тушиб қолган жойлари йўқ, китобат вақтида йўл қўйилган баъзи хатолар эса, хошияларда белгилаб, тузатилиб борилган. Матн ва хошия бир қўлга тегишли. Бу қўлёзма нусхани кўчириш давомида сўзларнинг хато ёзилиши жуда ҳам кам. Аксарият сўзлар ўрнига бошқа сўз ихтиёр этилган ва хошияда ана шу сўз ёзилиб, ортидан صح («саҳҳа»), яъни *тўғриси шудир*, маъносида) белгиси билан қайд этилиб борилган.

Қўлёзманинг бир неча жойида, яъни 19^а, 24^а, 119^а, 159^а, 174^а, 183^а, 200^а саҳифаларида الغ ببيك جهره آقاسى ابن عبد الغفار قراول بيكى («Улуғбек Чухра оқоси³⁴ ибн Абд ал-Ғаффор Қаровул-беги») деган ёзувда муҳр мавжуд бўлиб, манба ўз вақтида Бухоро амалдорларидан бирининг шахсий кутубхонасида сақланганлигига далолат қилади.

Бу қўлёзма аввалига «Фихрист» илова қилинган ҳолатда етиб келган. Шу сабабли унинг асл китобат қилинган матни хошиясига турли иловалар ёзилиб қолган. Лекин бу иловалар асарнинг асл матнига ҳеч қандай зарар етказмайди.

Асарнинг «Муқаддима» қисмидан бошлаб сарлавҳалар пешма-пеш сурх ранг (қизил сиёҳ)да ёзиб борилган. Бу матнлар аслиятга хос тарзда бехато ёзилган. Қўлёзманинг аксарият саҳифаларида рашҳалар ҳам сурхрангда ёзилган, бундай сўзлар деярли ёзилган ва ёзилмасдан қолиб кетган жойлар йўқ бўлса-да, аммо матнда баъзи сўзлар, масалан, Қуръон оятларидан олинган жумлалар қизил сиёҳда ёзилмасдан уларнинг устига қизил-сурх рангда чизик тортиб қўйилган. Китобат вақтида тушиб қолган баъзи сўзлар аломат-белги

³⁴Бухоро амирлигида махсус лавозим эгаси, у сарой ичи ишларига масъул шахс ҳисобланган.

қўйилиб, бундай сўзлар ҳошияларда ёзиб борилган. Бу ҳолат деярли барча саҳифаларда мавжуд.

Қўлёзманинг ҳошияларида «Рашаҳот» матнига алоқаси бўлмаган турли ёзувлар ҳам учраб туради. Улар кейинчалик китоб эгалари томонидан ёзилганлиги аниқ. Бу ёзув-қайдлар орасида китоб соҳибларининг Хожагон тариқати, нақшбандийя ҳамда яссавийя сулуклари масалалари бўйича ўзлари учун қилган қайд-битиглари, шунингдек, ҳикматнавис шоирларнинг ижодидан намуналар, масалан, Абдураҳмон Жомийнинг бир нечта рубойиси ҳам келтирилган.

Давлат Адабиёт музейи фондида сақланаётган 33 рақамли қўлёзма ҳозиргача Тошкент ва хориждаги бизга маълум бўлган нусхалар ичида энг қадимгисидир, дея оламыз.

Мазкур қўлёзманинг матни тўлиқдир, мисоллар: Қўлёзманинг 118^a саҳифасида матнда *شیخ خواند طهور بترکستان رفت اند و با تنکیز شیخ که از کبار خاندان انا یسوی* نامی ایشان تنکیز *جو ملالارینی ўқийمиз. Ҳошияда* *نامی ایشان تنکیز* *دهان* *تکیز* *است، ترکان عثمان را تنکیز میگویند، اما بزبان فارسی عثمان است* *«Ҳазратнинг номи Тенгиз шайхдир. Туркийлар «уммон»ни «тенгиз» (денгиз) дейишади. Аммо форсийда «уммон»дир».*

Маълум бўлмоқдаки, Шайх Хованд Тоҳурнинг замондоши бўлан туркистонлик шайхнинг номи «Шайх Тангуз» эмас, балки «Шайх Тенгиз, яъни Шайх Денгиз» бўлган.

Охирги уч юз йил мобайнида китобат қилинган «Рашаҳот»нинг барча қўлёзма нусхаларида, литографик нашрларида, хатто асарнинг араб, ўзбек ва усмонли-турк тилларига қилинган таржималарида ҳам шунингдек, Эрон нашрида (Муъийнийон, 1977) *تکوز شیخ* *деб хато ёзилган*³⁵. Дастхат нусхада эса *تکیز شیخ* *деб ёзилган.*

2. Эрон нашрида³⁶: *بابا آبریز رحمة الله: از کبار حضرت شیخ عمر باغستانی است:*

(Бобо Обрез – Аллоҳ уни раҳмат айласин! – Ҳазрат Шайх Умар Боғистонийнинг киборидиндур.)

Бу жумлалар биз муаллиф дастхати деб тахмин қилган нусхада қуйидагича Келган (119^a саҳифа):

بابایی آبریز رحمة الله تعالی از کبار اصحاب حضرت شیخ عمر باغستانی است صاحب جزیه عظیم *بوده*

صاحب جزیه عظیم بوده از وی برسیده اند که شمارا آبریز جرا میگویند فرموده است که چون حق سبحانه روز ازل کل آدم می سرشت من آب بر آن کل میرختم از آن روز باز، مرا آبریز لقب کردند

(Яъни: Бобойи Обрез – Аллоҳ таъоло уни раҳмат айласин! – Ҳазрат Шайх Умар Боғистонийнинг кибор (улуғ) асҳобидиндур, улкан жазба эгаси эди...)

³⁵ Қаранг:

رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي،

، مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان و عارفان، 2536/1977 و جلد دوم تهران، ص 370

رشحات عين الحيات، تأليف: مولانا علي بن حسين الواعظ الكاشفي، با مقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات: دكتور علي أصغر معينيان جلد دوم شهر³⁶ بورماه 2536

/Рашаҳот айн ал-ҳайот. Мавлоно Фаҳруддин Алий бин Ҳусайн ал-Воиз ал-Кошифий. Нашрга тайёрловчи: доктор Алий Асғар Муъийнийон. 2-т., Техрон, 2536/1356/1977.

Эрон нашрида *رحمه الله بابا آبريز* шаклида, бу сўз ДАМ фондидаги 33 рақамли қўлёзма матнида *باباي آبريز* «Бобой-и Обрез» шаклидадир. Эрон нашрида *رحمه الله* «раҳимаҳуллоҳ» деб берилган, ДАМ фондидаги 33 рақамли қўлёзма матнида эса *رحمه الله تعالى* «раҳимаҳуллоҳу таъоло» шаклидадир.

ДАМ фондидаги 33 рақамли қўлёзма ҳошиясида шахс номларига аниқлик киритилишига яна бир мисол: «Рашаҳот»нинг бошқа қўлёзмаларида, тошбосма ва литографик нашрларида, шунингдек, ҳатто Эрон нашрида³⁷ *المين بابا رحمه الله* (Алмийн Бобо ёки Алабийн Бобо) шаклида ёзилган. Дастхат нусха деб тахмин қилинаётганимиз қўлёзма матнида ҳам *المين بابا رحمه الله* шаклида, аммо ҳошияда эса тузатиш мавжуд бўлиб, *ايلامان بابا صح* деб ёзиб қўйилган³⁸.

Бу қўлёзмани ўрганиш орқали шундай фикрга бориш мумкин: Муаллиф олдин ҳақиқатан *المين بابا* «Алмийн Бобо» деб ёзган, аммо кейинчалик бу сўзни *ايلامان بابا* «Эломон Бобо» деб матнга ўзгартириш киритган. Ҳошияда *صح*, яъни *тўғриси шудир*, аломатини қўйиб, матнни таҳрир қилган.

ДАМ фондидаги 33 рақамли қўлёзма ҳошиясида ана шундай кўплаб тузатишларни, изоҳ-қайдларни кўриш мумкин. Бу хусуслар мазкур нусханинг, ҳақиқатан, биринчи таҳрир қилинган нусхаси эканига далолат қилади.

Бу қўлёзмани ўрганиш орқали шундай хулосага боришимиз мумкин: мазкур «муаллиф дастхати нусхаси» таянч нусха сифатида савияси турлича бўлган котиблар томонидан кўчирилган «Рашаҳот» нусхаларини, тошбосма ва литографик нашрларга аниқлик киритишга хизмат қилади. Бинобарин, мазкур қўлёзма нусха асарнинг мукамал илмий-танқидий матнини ва замонавий илмий-оммабоп таржимасини тайёрлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Қўлёзма ҳошияларидаги мазкур қайдлар, тузатишларни инобатга оладиган бўлсак, бу нусха ҳатто Алий Сафий таҳриридан ўтганлик эҳтимоли кучли. Тахминимизча, ушбу қўлёзма «Рашаҳот» асарининг муаллиф дастхати (автограф) нусхасидир. Асар охирида кўчирилган сана ва хаттот номи келтирилмаган. Бироқ қўлёзманинг охириги варағи ҳошиясида:

همين كتاب دستخط مصنف مييانشد كه نام شريفشان علي بن حسين الكاشفي

(яъни: Ушбу китоб мусаннифнинг ўз қўли билан кўчирган нусхаси ҳисобланади, ки ул зотнинг шариф номлари – Алий бин Ҳусайн Кошифий) деган қайд-битиг бор³⁹.

Ушбу нусханинг ўзига хос айрим камчиликлари бўлишига қарамай, унинг матни анча саводли кўчирилган ва у Алий Сафий «Рашаҳот» асарининг ишончли матнини тузишимизда ўзига хос нодир манба вазифасини ўтай олади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу қўлёзманинг ўзига хос жиҳати - унинг матни тўлиқ ва у хатолардан холидир. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида мавжуд элликдан ортиқ қўлёзма ва ўнлаб литографик нашрлар (Лакҳнав, Кампур, Истанбул ва Тошкент нашрлари)ни мазкур нусха билан солиштирганда, унинг дастхат нусха деб, тахмин қилишга далолат қилади. Бу нусхага асосланиб, асарнинг кейинги

³⁷Ўша асар. – Б. 375.

³⁸ЎзР ФА ДАМ. Қ.№ 33, – Б.118^а.

³⁹ЎзР ФА ДАМ. Қ.№ 33, – Б. 203^б.

даврларда китобат қилинган барча нусхаларидаги хато ва камчиликларни аниқлаб, бартараф қилиш мумкин. Мазкур нусха ҳатто Эронлик олим Алий Асғар Муъийнийон томонидан асарнинг илмий-танқидий матни сифатида нашрга этилган «Рашаҳот»нинг замонавий нашридан матнининг тўлиқлиги билан ҳам фарқ қилади.

«Рашаҳот» асарининг яна бир нодир нусхаси ЎзР ФА ШИ фондида № 10147 рақами билан сақланаётган нусха бўлиб, у муаллиф дастхатидан китобат қилинган нусха сифатида аҳамиятлидир. Қўлёманинг колофон қисмида котибнинг ушбу асарни муаллиф дастхати бўлган қўлёмадан ҳижрий 951 сана (мил. 1544 й.)да Бухоронинг «Ғозийон» мадрасасида кўчирганлиги ёзилган.

Биз тадқиқотимизда ва келгусида «Рашаҳот» асарининг мукамал илмий матнини тайёрлашда мана шу икки қўлёмма нусхани асос, яъни таянч нусха сифатида танлаб олдик.

Диссертацияда ЎзР ФА ШИ фондида сақланаётган 5418, 5419, 1788, 6164 рақамли, ЎзМИ кутубхонасида мавжуд бўлган 1909, 2317, 2700, 1503, 1504, 2325/1 рақамли қўлёмма нусхалар, Туркиянинг Истанбул шаҳри Сулаймония кутубхонасидаги AYASOFYA 1823, CARULLAN 1011, CARULLAN 1012, HAMIDIYYE 649, HEKIMOGLU 750 рақамли қўлёмма нусхалари, шунингдек, Санкт-Петербург шаҳридаги Сальтиков-Щедрин номидаги РФ Миллий кутубхонасининг қўлёммалар бўлимида сақланаётган 4 та нусхаси ва Шарқ қўлёммалари институти қўлёммалар фондида сақланаётган 11 та нусхаси илмий тавсифланган ҳамда уларнинг ҳар бири ДАМ фондида сақланаётган 33 рақамли дастхат нусха билан солиштирилиб, фарқли ўринлари кўрсатиб берилган.

Афсуски, охириги юз йилликда ёзилган тарихшунослик ва адабиётшуносликка тегишли барча ишларда «Рашаҳот»нинг қадимий қўлёмма нусхаларидан эмас, балки тошбосма ва литографик нашрларидан фойдаланиш одат тусини олган ва натижада мазкур асарнинг матни, жой ва шахслар номлари бўйича жиддий хатоликлар содир бўлган. Бу хато маълумотлар ҳатто каталогларда ҳам кўринади.

«Рашаҳот» номи билан Тошкент қўлёмма фондлари ва кутубхоналарида сақланиб келинаётган тошбосма ва литографик китоблар (ШИ фондида 44 та, ЎзМИ кутубхонасида 15та) гарчи уларнинг матнида бир қанча хатоларга йўл қўйилган бўлсада, аммо мазкур босма нашрларга ҳам илмий қийматга молик манбалар сифатида ёндашилса, фойдадан холи бўлмайди.

«Рашаҳот»да Хожагон тариқати силсиласи ва асос-қондаларининг ёритилиши» деб номланган учинчи бобда «Рашаҳот»да Хожагон тариқати нақшбандийя-аҳрорийя сулуки машойихи силсиласи – маънавий насаб баёни, «Васийатнома-и Хожа Абдулхолик дар Одоб-и тарийқат» рисоласи, Хожагон-нақшбандийя қудсий калималари, яъни мазкур тариқат асослари ва истилоҳлари тадқиқ қилинган.

Маълумки, IX-X асрларда дастлаб араб диёрларида пайдо бўлган ва кейинроқ Хуросон орқали Мовароуннаҳр заминига жунайдийя, суҳравардийя, увайсийя, қодирийя каби тариқатлар йўналишлари таъсири остида XI-XII асрларга келиб кубравийя ва Хожагон тариқати, кейинчалик эса мазкур Хожагон тариқати асосида яссавийя, нақшбандийя сулуклари пайдо бўлди.

Мовароуннаҳрда юзага келган Хожагон тариқатининг икки йирик тасаввуфий сулуки – яссавийя ва нақшбандийянинг пайдо бўлиши ва кейинги ривожланиш жараёни Хуросон ва Мовароуннаҳр халқларининг ўша даврдаги энг йирик мутасаввифи Шайх Юсуф Ҳамадоний (1049-1139) номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Алий Сафий шу боисдан ҳам «Рашаҳот»да Хожагон тариқати табақаси зикрини Хожа Юсуф Ҳамадоний зикри билан бошлаган.

Муаллиф «Рашаҳот» муқаддимасида баён қилган «Силсилату-з-заҳаб» (Олтин силсила)га кўра, Хожагон тариқатининг негизи Шайх Боязид Бистомийдан (ваф. 874 й.) бошланган бўлиб, силсилани мустаҳкамлаган ва давом эттирган шахс Хожа Юсуф Ҳамадонийдир. Ул зотнинг хулафоси *Хожагон* (аслида Ха^божагон - Б.У.) эса, яъни «Хожалар» (форсча - خواجه گان) деб аталган⁴⁰. Кейинчалик бу сўз нақшбандийя, яссавийя машойихига нисбатан қўлланилиб, улар учун фахрли ном бўлиб қолди.

«Рашаҳот»нинг аввалида, яъни «Мақола» қисмида Алий Сафий энг аввало, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор боғланган Хожагон тариқати нақшбандийя силсиласини номма-ном зикр қилган. «Рашаҳот» муаллифига кўра, мазкур силсила *Табақот-и Хожагон силсила-и нақибандийя* бўлиб, уни «Силсилату-з-заҳаб», яъни «Олтин силсила» деб ҳам атайдилар. Бу силсиланинг бундай номланишига сабаб унинг аввало Аҳли Байтга, Аҳли Байт воситасида эса – «Рашаҳот» муаллифи ибораси билан айтганда: «Онҳазрат Пайғамбар Муҳаммад алайҳи-с-салоту ва-с-салом»га маънан боғланганидир.

Алий Сафий Хожагон-нақшбандийлар шажарасини баён қилар экан, бизнингча, икки хусусга диққатимизни қаратган: *биринчиси*, муаллифнинг ўз ибораси билан айтганда, «тарийқат-и олийя-и Хожагон»нинг саҳиҳ насаби шарифи масаласидир. Чунки пир, муршиднинг насаби саҳиҳ, яъни соғлом, ишончли бўлмаса, унга маънан боғлиқлик, яъни қўл бериш, шогирд, муриди бўлиш дуруст бўлмайди. Бинобарин, «Маънавий насаби соғлом бўлмаган кимса пирлик даъвосини қилса, у ноқис шайхдир. Ноқис шайхнинг эса тариқати вайрондир», дейилган⁴¹. Иккинчидан, Алий Сафий ўзи маънан боғланган зот – Хожа Убайдуллоҳнинг маънавий насабининг саҳиҳ, соғлом, ишончли эканлигини ана шу тариқа бир неча йўл билан исботлаган.

Замонавий тадқиқотларда нақшбандийя тариқати принциплари, асослари ва ё қоидалари сифатида ўн бир калима ҳақида кўп ёзилганини кўрамиз. Бу қудсий калималар бугунги кунда юртимиз ва хорижлик тадқиқотчилар

⁴⁰Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Сўзбоши, таржима, луғат ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. Ўзбекистон. – Тошкент: 2003. – Б.5.

⁴¹Қаранг: Ҳожи Аҳмадҷон Маҳдум Нақшбандий. Рисолату-л-комила фий қазои-л-фоита.(Қазо намозларни ўқиб кўйиш лозимлиги ҳақида мукамал рисола). – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – Б.23.

томонидан, асосан, «Нақшбандийя асослари ёки принциплари» деган умумий ном билан номланиб келинмоқда. Хожагон тариқатининг қудсий калималари қуйидагилардир: سفر در هوش در دم «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман», «Йод кард», «Йод дошт», «Йод қалби», «Вукуф-и қалбий», «Вукуф-и ададий» ва «Вукуф-и замоний».

Аммо Алий Сафий «Рашаҳот»да бу ўн бир асос – «Хожагон қудсий калималари» баёнидан олдин «Васийатнома-и Хожа Абдулхолиқ Гиждувоний дар Одоб-и тарийқат» рисоласини келтирган. Ушбу рисола муриднинг маънавий камолини таъминлайдиган ғоят муҳим 36 насихат баёнидан иборат. Шунингдек, «Рашаҳот»нинг боблари давомида эса бошқа қўшимча ўнлаб Хожагон истилоҳлари ва одоблари ҳам баён қилинган бўлиб, уларсиз Хожагон тариқати назарий масалалари ва амалий фаолиятлари ҳақида батафсил тушунча ҳосил қилишнинг имкони ва иложи йўқ.

Хожагон тариқатининг қудсий калималари ҳақида тадқиқотларда сўз борганида мазкур ўн бир иборанинг илк тўрттаси Хожа Юсуф Ҳамадонийга, тўрттаси Хожа Абдулхолиқ Гиждувонийга ва «калимот-и вукуфот» деб номланган охириги уч ибора эса Хожа Баҳоуддин Нақшбандга нисбат берилади.

Аммо туркиялик тадқиқодчи Н.Тўсун ўз монографиясида бу фикрни маъқулламаган⁴². Бизнингча ҳам бу тўғри қараш. Зеро, уч вукуф, яъни «Вукуф-и қалбий», «Вукуф-и ададий» ва «Вукуф-и замоний» билан алоқадор фикр-мулоҳазалар, ҳикматлар Хожа Баҳоуддин Нақшбанддан олдинги мутасаввуфлар асарларида, масалан, Абу Абдурахмон Суламийнинг طبقات الصوفية «Табақот ас-суфийя» ва Абдулкарим Қушайрийнинг الرسالة القشيرية فى علم التصوف «Рисолату-л-Қушайрийя фий илми-т-тасаввуф» асарида, Абу Бакр Муҳаммад Калободий (Гулбодий)нинг التعرف لمذهب اهل التصوف «ат-Таарруф ли-мазҳаб-и аҳли-т-тасаввуф» рисоласида ҳам учрайди⁴³. Назаримизда, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу охириги уч қоида, яъни уч принципни ўз сулуки амалиётига жиддий ва тўлиқ жорий қилишга эришган. Шу сабаб бу уч калимот Нақшбанд ҳазратларига нисбат берилади. Зеро, тариқатда солиҳ амал сифатида назария эмас, балки амалиёт муҳимроқдир. Алий Сафий «Рашаҳот»да ана шу хусусга урғу берган.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг рисолаларида мазкур илк қудсий калималар – «Хуш дар дам», «Назар бар қадам», «Сафар дар ватан», «Хилват дар анжуман» номлари билан аниқ қайд этилмаган. Чунончи, Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг «Одоб-и тарийқат» рисоласида тариқатнинг асослари сифатида муриднинг камолоти учун зарур бўлган узлат, риёзат, нафс тарбияси каби муҳим хусуслар батафсил баён қилинганини кўрамиз. Нима

⁴²Tosun Necdet. BANAEDDIN NAKSBEND.Hayati-Gorisleri-Tarikati. – Istanbul: İnsan yayınlari, 2012. – S.334.

⁴³Қаранг: (1986) 1406 طبقات الصوفية لأبي عبدالرحمن السلمى بتحقيق نورالدين شريعة القاهرة تحقيق و اعداد معروف زريف و علي عبدالحميد ابوالخير، بيروت - دار الخير 1416 (1990) التعرف لى مذهب اهل التصوف للعلامة العارف باللهأبى القاسم عبدالكريم بن هوازن القشيري النيسابوري، تحقيق و اعداد معروف زريف و علي عبدالحميد ابوالخير، بيروت - دار الخير 1416 (1990) التعرف لى مذهب اهل التصوف تأليف تاج الاسلام أبو بكر محمد الكلابدى ت 380هجري (990 م) تقديم الدكتور يوحنا الحبيب صادر دكتور فى اللاهوت - جامعة روما، دار صادر بيروت 1992

сабадан илк тўрт қудсий калима Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳазратга нисбат берилиши эса илмда исботланмаган, чуқур тадқиқ этилмаган. Алий Сафий «Рашаҳот»да Хожагон тариқати илк қудсий калималари Ҳамадонийга тегишли ёки тегишли эмаслиги ҳақида умуман сўз очмаган.

Шу жойда «Рашаҳот»да «алфоз-и мусталаҳа», яъни ушбу Хожагон истилоҳларини баён қилишдан мақсад нима?» деган савол туғилиши мумкин. Алий Сафийнинг ёзишича, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний *сарҳалқа-и силсила-и Хожагон* (Хожагон тариқатини бошловчиси)дир, шу боисдан ул зотнинг «мусталаҳот» (хос калималари)ини билиш ул зот бошлаб берган муборак маънавий йўл, яъни Хожагон тариқатини яхши билиб олиш, демакдир.

Маълумки, мумтоз адабиётимизга тааллуқли диний ва тасаввуфий асарлардан кўзланган асл мақсад – инсонни ахлоқий руҳда тарбиялаш ва натижада унинг комил инсон бўлиб етишмоғига кўмакчи бўлишдир. Демак, юқоридаги Хожагон тариқати калималаридан, истилоҳлари ва одобларидан кўзда тутилган мақсад ҳам аслида руҳий, ахлоқий комилликка етишишдир.

ХУЛОСА

Тадқиқот ишимизда Алий Сафийнинг илмий-адабий мероси ва «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» асарини қиёсий-текстологик тадқиқ қилиш асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Хожагон тариқати нақшбандийя-аҳрорийя сулуки маноқибнависи Мавлоно Алий Сафий Ҳирот илмий ва адабий мактабининг етук намояндаси бўлган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғлидир. Фаҳруддин Алий Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ҳаёти ва ижоди адабиётшунослигимизда алоҳида тадқиқот мавзуси бўлмаган.

Алий Сафийнинг шахси, у туғилиб улғайган оилавий муҳит, ижодкорнинг мураккаб ҳаёт йўли ва серқирра фаолиятига оид маълумотлар унинг асарлари ва бошқа манбалардаги маълумотлар асосида тўлиқ шаклда тикланди. Бунда, айниқса, ижодкорнинг ўзи ва яқинлари ҳақида «Рашаҳот» асарида ёзганлари, Алишер Навоийнинг «Мажолис ан-нафоис» асарида, А.Г.Маъонийнинг «Латойиф ат-тавойиф» нашри муқаддимасида берган маълумотлари муҳим хулосаларга имкон берди.

2. Шоир ва адиб, тарихчи ва таржимон бўлган Алий Сафий Мавлоно Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сўз санъаткорларига замондош бўлиб, у ўзининг илмий-адабий, фалсафий-маърифий руҳдаги қатор асарлари билан адабий анъаналарга муносиб ҳисса қўшган.

3. Алий Сафийнинг икки йирик асари – «Рашаҳот» ва «Латойиф ат-тавойиф»ни эронлик олимлар А.А. Муъийнийон ва А.Г.Маъоний Эрон кутубхоналарида сақланаётган нусхалар асосида нашрга тайёрлаб, чоп эттиришган. Хорижлик олимлар эътиборидан четда қолиб келаётган Тошкент қўлёзма фондларида эса Алий Сафий асарлари, хусусан, «Рашаҳот»нинг юздан ортиқ нусхалари мавжуд. Улар қадимий, асл

нусхалар эканлиги боис тўлиқлиги, бехато китобат қилинганлиги билан ўзига хос, катта илмий аҳамиятга эга. «Рашаҳот»нинг ана шу нусхалари асосида Эрон нашрлари матнидаги қатор хато ва камчиликлар аниқланди.

4. Диссертацияда Алий Сафийнинг илмий-адабий асарлари рўйхати берилиб, улар матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида таҳлил қилинди. Энг муҳим янгиликлардан бири, «Рашаҳот» асарининг муаллиф дастхати нусхасинг топилишига муваффақ бўлинди. Мазкур нодир нусха билан қиёслаб тадқиқ этиш орқали «Рашаҳот»нинг барча қўлёзма, тошбосма ва литографик нашрлари, шунингдек, асарнинг ўзбекча, арабча, усмонли-туркча таржималаридаги кўплаб хато ва чалкаш ўринларга аниқлик киритишга эришилди. Тадқиқотлар натижасида дастхат нусханинг жуда катта илмий, маърифий ҳамда адабий аҳамиятга молик эканлиги ўз исботини топди.

5. Алий Сафийнинг бизгача етиб келган барча илмий-адабий асарларида, хусусан, унинг энг йирик асари «Рашаҳот айну-л-ҳаёт»даги бош ғоя Хожа Аҳрор тимсолида соғлом эътиқодли, гўзал хулққа эга одам бўлиб яшаш ва комил инсон тарбиясига бағишланган.

Алий Сафийнинг дostonлари ва қасидалари, «Рашаҳот» асари таркибидаги рубоийлари, қитъалари ва мисралари, маснавийлари бадий-эстетик талабларга тўла жавоб берадиган бадииятнинг юксак намуналаридир. Улар «Рашаҳот»да маълум бир тасаввуфий тушунчаларни ёрқин очиб беришга хизмат қилган бўлиб, асар таркибида бошидан то охиригача ўзига хос вазифани бажаришга қаратилганлиги билан ажралиб туради.

6. Алий Сафий «Рашаҳот» асарини яратишда Шайх Фаридуддин Атторнинг «Тазкирату-л-авлийо», Абдурахмон Жомийнинг «Нафоҳату-л-унс», Алишер Навоийнинг «Насойиму-л-маҳабба» ва солиҳ зотлар ҳаёти ва фаолиятларига бағишлаб асар ёзган ижодкорларнинг асарларидан унумли фойдаланган ва у маълум бир тариқат (Хожагон тариқати) ва унинг сулуклари намояндалари ҳаёти, фаолияти ҳақида йирик ҳажмдаги мустақил асарни ёзишга муваффақ бўлган. Хожагон тариқати тарихи, машойихига доир бошқа бундай махсус, муфассал ва мукамал асарни топиш қийин. Асар моҳиятан мазмундор, бетакрор ва ўзига хослиги таъминланган маноқиб ҳисобланади.

7. Алий Сафийнинг «Рашаҳот» асари араб ва форс тилида ёзилган балоғат ва фасоҳатнинг нодир намунаси ҳамдир. Тадқиқотда ижодкорнинг адабий илмларни қанчалик пухта эгаллаганлиги, диний ва тасаввуфий илмлардан, Қуръон-и карим, ҳадис-и шарифлар мазмун-моҳиятидан мукамал даражада хабардорлиги ҳам изланишлар натижасида исботланди ва натижада маноқиб ичида маноқиб услуби орқали Алий Сафийнинг анъанавий маноқибнависликни ривожлантирганлиги ва юксак бадий савиядаги қомусий асар яратишга муваффақ бўлганлиги очиб берилди.

8. Тадқиқотда Алий Сафийнинг ҳаёти ва фаолияти борасида хориж олимлари орасида «Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Мавлоно Ҳусайн Воиз

Кошифий божа бўлишган», деган қарашга, ўзбек тарихчи олимларига кўра эса «Ҳусайн Воиз Кошифий Абдурахмон Жомийнинг қайин инисидир», деган чалкаш маълумотларга «Рашаҳот»нинг дастхат нусхаси асосида аниқлик киритилган;

Эронлик тарихчи олимларнинг («Равзату-л-уламо» соҳиби) ёзишича, Мавлоно Кошифий Ҳирот ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида шиъа ва рофизий фирқаларига мансуб деб танилган эди. Бу хусусга ҳам аниқлик киритилди. Мавлоно Кошифий ва ул зотнинг ўғли Алий Сафий аҳли суннат ва-л-жамоа эътиқодида ва ханафий мазҳабида эдилар. Бунга аввало уларнинг ёзган асарлари яққол мисол бўлса, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоийнинг Кошифийларга ҳомийлик қилишгани ҳам очик далолат қилади;

Эронлик тадқиқотчи Аҳмад Гулчин Маъоний, «Фахруддин Алий Сафийнинг олтмиш уч ёшда вафот этганини тахмин қилиш мумкин», деб ёзган. Бу хусусга ҳам аниқлик киритилди. Алий Сафий 73 ёшда Ҳирот ташқарисида вафот этгани ҳақида ишончли маълумот мавжуд. «Рашаҳот» асарида Алий Сафий ўз таваллуд санасини аниқ ёзган. Баъзи тадқиқотларда Фахруддин Алий Сафийнинг вафот санаси милодий 1503 йил, деб кўрсатилган. Ишимизда Алий Сафийнинг ҳижрий 939 сана (мил. 1532 й.)да вафот этгани маълумотлар асосида қатъий исботланди;

Адабиётшунослигимизда Алий Сафий ҳаёти, илмий-адабий мероси, фаолияти ва асарлари умуман ўрганилмагани боис ЎзР ФА Шарқшунослик институти фонди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси картотекаси маълумотларида чалкашликлар, хато қайдлар мавжуд. Бу хатолик ва чалкашликлар баъзи тадқиқотларга ҳам акс этган. Алий Сафийнинг асарлари унинг отаси Ҳусайн Воиз Кошифийга нисбат берилган ва ё аксинча. Шу боисдан ҳам тадқиқотимизда Алий Сафий асарлари аниқланди ва қўлёзмалар асосида уларнинг тўлиқ тавсифлари берилди;

«Рашаҳот»да бошқа маноқиб ва тазкиралар билан ўхшаш баъзи жиҳатлар бор бўлишига қарамасдан, яхшилаб эътибор қаратилса, муаллифнинг уларни талқин қилиш усуллари, келтирилган ҳикоятлари, маълумотларнинг ранг-баранглиги ва улардан чиқарилган хулосаларда тубдан фарқ қилувчи, Алий Сафийнинг ижодкорлиги билан боғлиқ бўлган жуда ҳам кўп янги қирралар мавжуд;

Баъзи хориж тавсифларида Алий Сафийга «ал-Байҳақий», «ал-Валий» нисбаларини бериш учрайди. Тадқиқотимиз натижасида бу икки тахаллуснинг Алий Сафийга эмас, балки унинг отаси Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийга тегишли экани аниқ бўлди;

Тадқиқотда Алий Сафий ҳаёти ва фаолияти, асарлари хусусида хориж қўлёзма фондлари каталогларида берилган маълумотларда йўл қўйилган хатоликлар, чалкашликлар таҳлил қилинди, уларга аниқлик киритилди.

9. «Рашаҳот»нинг қўлёзма нусхалари Тошкент қўлёзма фондларида, РФнинг Санкт-Петербург қўлёзма фондларида, Ҳиндистон (Бангола)

кутубхоналарида, Шотландия ва Греландия Миллий кутубхоналарида, Британия, Олмония қўлёзма фондларида, Туркиянинг Истанбул, Анқара, Кўнё, Қайсари қўлёзма фондларида сақланиб келинмоқда. «Рашаҳот»нинг энг қадимий нусхалари эса юртимиз фондларида сақланмоқда. Бироқ мазкур қўлёзмалар комплекс ҳолда ўрганилмаган. «Рашаҳот»нинг муаллиф қаламига мансуб энг ишончли матнини тузиш ишлари ҳам олиб борилмаган.

Биз ўз тадқиқотимиз давомида аниқлаган «Рашаҳот» асарининг қўлёзма нусхалари ҳозирча 135та нусхани ташкил этди. Булардан 11 таси, ҳақиқатан, асарнинг нодир, қадимий нусхаларидир. ЎзР ФА Давлат Адабиёт музейи фондида 33 рақам билан сақланаётган қўлёзма эса «Рашаҳот»нинг энг қадимий нусхаси экани маълум бўлди. Қўлёзмани кузатиш, ҳақиқатан, унинг *дастлабки таҳрирдан* ўтказилганлигини кўрсатади. Бу эса мазкур нусханинг «Рашаҳот»нинг *дастхат нусхаси* эканлигига далолат қилади.

«Рашаҳот»нинг ЎзР ФА ШИ фондида 10147, 5418, 1788, 6164 рақамлари билан сақланаётган нодир қўлёзма нусхалари ҳам илк бор ўрганилиб, илмий муомалага киритилди. Бу нусхалар асарнинг ишончли матнини тузишда автограф (дастхат) нусхага қўшимча таянч манбалар сифатида хизмат қилиши мумкин.

10. «Рашаҳот»нинг қўлёзма, тошбосма ва литографик нашрларида талайгина хатоликлар, чалкаш ўринлар учрайди. «Рашаҳот»нинг илмий-танқидий матнигина мазкур асар матни билан боғлиқ барча муаммоларни бартараф этиши мумкин. «Рашаҳот»нинг мукамал илмий-танқидий матни ҳанузгача тайёрланмаган. Эрон нашрида тадқиқотчи томонидан фақат Эрон қўлёзма кутубхоналарида мавжуд бўлган «Рашаҳот»нинг нусхалари асос қилиб олингани учун ҳам асарнинг дунёнинг бошқа кутубхоналарида, хусусан, юртимиз фондларида мавжуд бўлган «Рашаҳот» нусхаларидан фарқ қилиши исботланди.

Тадқиқотда «Рашаҳот» асарининг Туркиянинг Истанбул шаҳридаги Süleymaniye кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланиб келаётган барча қўлёзма нусхаларининг илмий тавсифи берилди ва улар қиёсий-текстологик жиҳатдан тадқиқ қилинди. Süleymaniye қўлёзма нусхаларидан учтаси – *AYASOFYA 1823*, *CARULLAH 1011* ва *CARULLAH 1012* қўлёзмалари Давлат Адабиёт музейи фондида сақланиб келаётган 33 рақамли нусхадан кейин ўзининг қадимийлиги билан аҳамиятли нусхалар эканлиги аниқланди.

«Рашаҳот»нинг қўлёзма нусхалари Россия қўлёзма фондларида ҳам мавжуд. 15 та қўлёзма нусхадан иккитаси (РФ Миллий кутубхонаси фондидаги 289 рақами ва Шарқ қўлёзмалари институти қўлёзмалар фондида А 1483-2 рақами билан сақланаётган нусхалар) китобат санаси ва тўлиқлиги жиҳатидан ўзининг қадимийлиги билан аҳамиятли нусхалар экани аниқланди.

11. Алий Сафий Хожагон тариқати тарихини, шу тариқат машойихи ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганган олим ва буюк истеъдод эгаси, унинг ижодидаги бу сифат, бошқа асарларидаги сингари «Рашаҳот» асарида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топганини кўрамыз.

Суннийлар ва шиа мазҳаблари тарафдорлари ўртасида кескин тўқнашувлар бўлиб турган мураккаб бир даврда Алий Сафийнинг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Мавлоно Абдурахмон Жомий каби хожагон машойихи ҳаёти ва фаолияти ҳақида асар ёзиши унинг улкан жасорат, олийжаноб қалб эгаси эканлиги, ҳар қандай шароитда ўз соғлом эътиқодида собит бўлганидан дарак беради.

12. Алий Сафий бу ижод намунасини анъанавий маноқиб жанрида ўзининг ижодийлик ва янгилик яратиш қобилияти билан рўёбга чиқарган. Унинг ушбу асарни ёзишдан асосий мақсади Хожагон тариқати, хоссатан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳаёти ва фаолияти ҳақида мукамал асар ёзиш бўлса-да, аммо бу тариқатга ихлос қўйганлар учун нақшбандийя сулуки тасаввуфий масалаларини ўзида тўла қамраган беназир қўлланма ёзишга муваффақ бўлган.

Уч катта бобдан иборат бўлган бу асар баёнининг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи ва унинг тили пухта ишланган. Ижодкор мавзу мазмунини тўла-тўқис очиб бериш учун ижод имкониятларидан самарали фойдаланганлигини кўриш мумкин. Бу ўз навбатида ижодкорнинг асарда олдига қўйган вазифасини бажаргани, унинг тасаввуфий-маърифий, бадий-эстетик мақсади ушалганидан далолат беради. Асарда Хожагон машойихининг, хоссатан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ишончли маълумотлар баёни Қуръони каримдан келтирилган оятлар, ҳадиси шарифлар, рубоийлар, қитъалар, мисралардан келтирилган ҳолда бир-бири билан чамбарчас боғланган. Натижада китобхон рашҳалар орқали муфассал ифодаланган Хожагон машойихи ҳикматларидан маънавий озик олади. «Рашаҳот» асарининг ўз ички оҳанги, алоҳида ўзига хос ритми борки, улар фикр ва туйғулар силсиласини акс эттиришга йўғрилган истеъдод ижодкор ижодининг ўзига хослигини кўрсатиб туради. Рашҳалар том маънодаги тасаввуфий-ахлоқий ва маърифий руҳдаги асарнинг юзага келишига хизмат қилган. Бу эса Алий Сафийнинг асарда кўзлаган мақсадини белгилашда энг муҳим, асосий омил сифатида намоён бўлади.

Мумтоз адабиётимиз тарихида ёзилган суфиёна йўналишдаги асарлар – тасаввуф тазкиралари ва маноқиблари орасида Алий Сафийнинг «Рашаҳот» асари ўзининг яхлит мавзуси, илмий тематикасининг аниқлиги билан ажралиб туради; шу билан бир қаторда Хожагон тариқатининг нақшбандийя ва яссавийя сулукларига бағишланган яхлит тасаввуфий-маърифий, таълимий характердаги бу каби бошқа биографик йирик ҳажмли асар маълум эмас.

Алий Сафийнинг мазкур асаридаги маноқиб жанрига хос баён услуби унинг ғоявий етуклигига, мақсад нуқтаи назаридан «Рашаҳот»да

келтирилган маълумотларнинг тўғри ва холис ёритилишига замин яратган. Асардаги маърифий, ахлоқий-таълимий қарашлар биринчи галда комил инсон бўлишга интилиш, қалб поклиги, самимият, бағрикенглик, инсонпарварлик ва эзгулик тамойили асосида баён этиб берилган

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

УМУРЗАКОВ БАХРИДДИН САФАРОВИЧ

**НАУЧНО-ЛИТЕРАТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ АЛИ САФИ И
СРАВНИТЕЛЬНО-ТЕКСТОЛОГИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЕГО
ПРОИЗВЕДЕНИЯ «РАШАХОТ АЙН АЛЬ-ХАЙАТ»**

10.00.10 – Текстология и литературное источниковедение

АВТОРЕФЕРАТ

Диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Fil.353.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета www.tashgiv.uz и Информационно-образовательном портале www.ziyonet.uz

Научный руководитель:

Хасанов Саидбек Рустамович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шодмонов Нафас Намозович
доктор филологических наук, профессор

Очилов Эргаш Закирович
кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc 27.06.2017.Fil.21.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете Узбекистана по адресу: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21, факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за № __). Адрес: 100047, г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 16. Тел.: (99871) 233-45-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.

(Протокол реестра рассылки № __ от «__» _____ 2019 года.)

А.М.Маннонов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

К.П.Садиков

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

Б.Тухлиев

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Изучение богатого наследия наших великих предков, внесших большой вклад в развитие мировой науки, имеет важное значение в текстологии и источниковедческой науке всех стран мира. В этой связи все источники, хранящиеся в библиотеках и частных архивах, постоянно исследуются, готовятся к публикации и вводятся в научный оборот. Мировоззрение наших предков, их духовно-эстетический мир нашли свое яркое отражение в рукописных источниках. Общеизвестно, что эти источники являются одним из наиболее эффективных и действенных средств воспитания совершенного человека, имеющего прочную веру.

В мировой текстологии и источниковедении бережное хранение, изучение и передача наследия великих предков будущим поколениям является своеобразным звеном системы национальных ценностей. Это связано с тем, что рукописное наследие в большинстве случаев представлено одним или несколькими экземплярами; и тот факт, что они хранятся в рукописных сокровищницах разных странах, вызывает больше внимания исследователей.

В настоящее время, когда идёт восстановление национально-духовных ценностей, на уровне государственной политики уделяется огромное внимание более глубокому изучению жемчужин нашего наследия – древних рукописей¹. Мы глубоко осознаем важность нашего древнего культурного наследия, значимость нашей национальной истории, которая восходит к далекой истории. Восточная классическая литература со своеобразной художественностью, глубокой сущностью и содержанием, великой духовностью и силой воздействия является самой оригинальной литературой. Почти все образцы этой литературы, будучи самым высоким проявлением здравого смысла и убеждения, высокой духовности и чистоты, добродетели, честности, хороших манер, превосходных позитивных человеческих качеств, прежде всего, возникли именно под их влиянием. Именно поэтому интерес к нашей классической литературе и ее бесценными произведениями за последнее столетие продолжает привлекать внимание исследователей. Одним из наших предков, внесших своим творчеством неоценимый вклад в развитие мировой культуры и науки, является Фахруддин Али Сафи бин Хусайн Ваиз Кашифи (ум. 939/1532). Его творчество имеет важное значение тем, что оно охватывает различные сферы светских и религиозных наук. В трудах Фахруддина Али Сафи, в частности, в его произведении «Рашахот айн аль-хайат»² нашли яркое отражение идеи воспитания высоко нравственного человека с помощью научного наследия наших предков, пропаганды среди молодежи здравого смысла и добрых нравов посредством объяснения основ нашей религии. С этой точки зрения актуальным становится вопрос о том, как поэт и ученый на основе художественных и религиозных произведений раскрыл мистическую тему, с помощью каких

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий кўлэзма манбаларни сақлаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 й. 25 май, № 103 (6797). – Б.1.

²Далее коротко «Рашахот».

источников он её осветил, а также что составляет основу внутреннего мира и духовности человека.

Настоящее диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, поставленных в государственных документах, в частности, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан «О мерах дальнейшего совершенствования системы сохранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» за № ПП-2995 от 24 мая 2017 года, «Об организации Центра исламской цивилизации в Узбекистане» за № ПП-3080 от 23 июня 2017 года и в других нормативных актах Республики Узбекистан.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено согласно приоритетному направлению развития науки и технологии республики: 1. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном, нравственно-духовном развитии информатизированного общества и демократического государства, и пути их развития».

Степень изученности проблемы. В трудах таких зарубежных ученых, как А.А.Муийнийан³, А.Г.Маани⁴, М.Голланд⁵, М.З.Кутку Бурсави⁶, И.Гюндюз⁷, У.Турар⁸, Н.Тосун⁹ приведены сведения об историческом периоде, в котором жил Али Сафи, о жизни и творчестве ученого. Его известные труды «Рашахот» и «Латаиф ат-таваиф»¹⁰ опубликованы в виде современных изданий с научными комментариями. Кроме того, исследованы художественно-эстетические взгляды Али Сафи¹¹.

До настоящего времени в Узбекистане не проводилось специальных крупных исследований о жизни и творчестве Мевляна Фахруддина Али Сафи Хирави, о его научном и литературном наследии. Узбекские ученые-источниковеды и литературоведы в своих научных исследованиях использовали только литографические издания «Рашахот айн аль-хайат» Али Сафи («Капли источника жизни»)¹².

³ رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي، مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان 2536/1977 بامقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات دكتور على اصغر معينيان، جلد اول و جلد دوم تهران و عارفان

⁴ لطايف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي، 1373 /1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات دكتور احمد كلجين معاني، تهران

⁵ Rashahot – Beads of Dew from the Sorce of Life. Translated, edited and annotated by Holland Muhtor. – London: 2001. («Рашахот» переведен на английский язык на основе османско-турецкого перевода. – Б.У.)

⁶ Kotku Mehmed Zahid. Nefsin terbiyesi – Abdulhalik-ı Gujduvanının nasihatları. – Istanbul-Fatih: 1994. 166 s.

⁷ Gunduz Irfan. Gumuşhanevi Ahmed Zıyauddin k.s. – Nakşbendiyye Prensibları. – Istanbul: 1984. 336 s.

⁸ Турар У. Тасаввуф тарихи. – Т.: Истиқлол, 1999. 180б.

⁹ Tosun Necdet. BANAEDDIN NAKSBEND. Hayatı-Görüşleri-Tarikatı. – Istanbul: İnsan yayınları. 463 s.

¹⁰ رشحات عين الحيات تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي، مجموعه متون قديم و احوال دانشمندان 2536/1977 بامقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات دكتور على اصغر معينيان، جلد اول و جلد دوم تهران و عارفان

¹¹ لطايف الطوايف تأليف: مولانا فخر الدين علي صفي بن حسين الواعظ الكاشفي، 1373 /1953 بامقدمه و تصحيحات و حواشي و تعليقات دكتور احمد كلجين معاني، تهران

با مقدمه و تصحيح و تحشيه و تراجم اعلام بسعي و اهتمام احمد كلجين معاني از انتشارات اقبال تهران، آذرماه 1336، 424 ص

¹² Ньёматов М. С. «Рашахоту айнил-хаёт» Фахруддина Али Сафи и его литературно-мистическое значение: 10.01.03. Автореф. дисс. канд. филолог. наук. – Худжанд: 2009. 144 с.

¹² Абдуллаев И. Накшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент: 1993. № 9-10. – Б.55-58.; Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. – Т.: 1985.; Бўриев О. Хожа Алоуддин Аттор. – Т.: Маънавият, 1994. 23 б.;

Такие русские ученые¹³, как В.В.Бартольд, А.И.Болдырев, Н.И.Веселовский, В.А.Вяткин, В.А.Гордлевский, П.П.Иванов, Б.Казаков, А.А.Семенов, О.Р.Сухарева, А.А.Хисматулин, узбекские ученые¹⁴ Б.М.Бабаджанов, Б.Валиходжаев, Р.Тиллабаев, Ариф Усман, А.А.Хусейнова, З.Куттибаев, Э.Э.Каримов, К.Каттаев, Р.Шадиёв, М.Хасани, М.Раззакова, турецкие ученые, как Ф.Купрулу¹⁵ и Н.Тосун¹⁶ в своих исследованиях и публикациях часто обращались к произведению «Рашахот» Али Сафи. В работах перечисленных авторов приведены некоторые сведения, небольшие цитаты из текстов некоторых глав «Рашахот» Али Сафи, выводы по религиозным и мистическим (суфийским) взглядам великого ученого.

Следует особо отметить, что в 70-е годы прошлого века были достигнуты определенные успехи по изданию научного наследия Али Сафи. В частности, в этом направлении добились определённых успехов иранские ученые А.А.Муийнийана и А.Г.Маани. Также примечательно, что в последнее

Бўриев О., Ҳасанов М. Хожа Муҳаммад Порсо//Буюк сиймолар, алломалар. – Т.: 1996.2-китоб. – Б. 47-51.; Бўриев О., Ҳасанов М. Яъқуб Чархий. // Мулоқот,1995. № 7-8. – Б. 42-44.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор:Уйдирма ва ҳақиқат //Мулоқот, № 3-4. – Т.:1991; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. – Т.: 1993.; Маънавият юлдузлари (илм. мақолалар тўплами). – Т.: Маънавият,1993. 42 б.; Султон И. Баҳоуддин Накшбанд абадияти. – Т.: 1984.

¹³Бартольд В.В. История культуры мусульманства. – С.Петербург: 1918. – Б.98.; Бартольд В.В.Сочинения. Том VIII. Работы по источниковедению. – М.: Издатель-во «Наука» Главная редакция восточной литературы, 1973. – С.192.; Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем востоке в период феодализма. –Москва:1982.; Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки. – С.Петербург: 1895.; Вяткин В.А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомости», за 1904 г.; Гордлевский В.А. Бахауддин Накшбанд Бухарский. Избранные сочинения. – М.:1962.; Иванов П.П. Хозяйство джубарских шейхов. К истории феодального землевладения в Средней Азии в XV-XVI вв. – М.: Издательство АН СССР, 1954. 379 с.; Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара.(Бартольдовские чтения.) – М.: Наука, 1981.; Семенов А.А. Бухарский шейх Бахауддин (К его биографии). Восточный сборник в честь А.Н. Веселовского. – М.:1914. – С.202-211.; Сухарева О.Р. Потомки Ходжа Ахрара (Бартольдовские чтения). – М.: 1982.; Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования) Сборник статей памяти Фритца Майера (1912-1998). Составитель и отв. редактор А.А.Хисматулин. Филологический факультет Санкт-Петербургского Государственного Университета. – С.Петербург: 2001. – С.20-32.; Маннанов А.М., Рошанийская литература (Источники и проблемы реконструкции). – Т.: Изд.-во «Фан» Академии наук Республики Узбекистан, 2006.

